

Жумаев Қурбонмурот Хуррамович  
и.ф.н., ЎзРДСҚ КҚТ ва СТМ доценти

## АГРОСАНОАТ МАЖМУИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ОМИЛЛАРИ

**Аннотация:** Уибу мақолада Ўзбекистон ҳудудларида аграросаноат мажмуасининг барқарор ривожланиши, аграросаноат мажмуасида инновацион фаолияти ҳамда бошқаруви самарадорлиги масалалари ёритиб берилган.

**Аннотация:** В этой статье отражены вопросы устойчивого развития аграрно-промышленного комплекса Узбекистана, инновационная деятельность аграрно-промышленного комплекса, а также вопросы эффективного управления.

**Abstract:** This article reflects the issues of sustainable development of the agrarian-industrial complex of Uzbekistan, the innovative activity of the agrarian-industrial complex, as well as the issues of effective management

Замонавий шароитларда жаҳон фани ва инновация фаолиятининг ютуқларидан кенг фойдаланиш жамият ва давлат ҳайтиниң барча соҳаларини изчил ва барқарор ривожланишниң, мамлакатниң муносаб келажагини барпо этишниң муҳим омили бўлиб бормоқда.

Жаҳон тажрибаси барча соҳаларда сифатли ўсишни таъминловчи янгиликларни узлуксиз тарзда амалиётга жорий этиш жамият ва иқтисодий ривожланишниң ҳаракатлантирувчи кучига айланганлигини кўрсатмоқда.

Бугун ривожланишниң инновацион моделлари ва “аклли” технологиялар амалга оширилаётган мамлакатлар энг муваффақиятли ва барқарор ҳисобланади. Бундай мамлакатларниң барқарор тараққиёти, уларниң жаҳон бозорларида рақобатбардошлиги табиий ресурсларни экспорт қилиш ва жисмоний меҳнатдан фойдаланишга эмас, балки инновацион ғоялар ва ишланмаларга асосланади.

Инновацион ривожланишниң асосий вазифаси инновация ва фан ютуқларини кенг жорий этиш ҳисобига мамлакатниң иқтисодий ўсиши ва жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда иқтисодиётда интеллектуал улушниң кўпайиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевниң 2018 йилга юртимиизда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-куватлаш йили”[1], деб ном беришини ўзи Ўзбекистон Республикасида инновацион ривожланишниң асосини кўрсатиб бермоқда. Чунки, Президентимизниң “...фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз. ... Бугун биз давлат ва жамият ҳайтиниң барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган

инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияяга таянган давлат ютади.

Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажагимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсақ, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлишимиз керак” деган фикрлари ҳам тасдиқлаб турибди.

Умуман олганда, инновация иқтисодий адабиётларда қўйидагича тавсифланади. Инновация – инновацион фаолиятнинг якуний натижаси бўлиб, янги ёки такомиллаштирилган қўринишда юзага чиқкан ва бозорга киритилган маҳсулот, амалий фаолиятда қўлланилаётган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён, энг сўнгти тадқиқотлар ёки ихтиrolарнинг натижаларига асосланган тарзда ижтимоий хизматларга янгича ёндашув сифатида талқин этилади.

Инновацион фаолиятни амалга ошириш ва амалиётга жорий этишда, энг аввало асосий термин ва тушунчаларни аниқлаштириш лозимдир.

Инновация муамоси билан шуғулланувчи олимларнинг илмий изланишларини ўрганиш натижасида инновация, инновацион жараён ва инновацион фаолиятнинг мазмuni ва моҳиятига турлича ёндошувлар борлигини кузатдик. Инновацион жараёнларнинг таърифини, турларини ва умуман инновацион фаолият назариясига муҳим ҳисса қўшган олим сифатида австралийлик иқтисодчи-олим Йозеф Шумпетерни таъкидлаб ўтишади. Бу вақтларда инновация ҳақида фикр юритилмаган, аммо иқтисодиётни ривожлантиришда “самарали усул”, “янгилик”, “таъсири”, “қўллаш” каби тушунчалардан фойдаланилган.

Техник ёки иқтисодий нуқтаи-назардан олиб қарайдиган бўлса, ишлаб чиқариш – мавжуд ресурслар ва кучларни комбинациялаш. Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир усули маълум бир комбинацияни англатади. Ишлаб чиқаришнинг турли усуллари фақатгина характери ва услуби билан фарқ қилиши мумкин, яъни ё комбинациялар обьекти бўйича, ёки уларнинг миқдорлар нисбати бўйича. Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир жараёни биз учун мазкур комбинацияни ташкил этади[2].

“Янгилик”, “янгилик киритиш”, “илмий-техник янгилик” каби атамалар М.Портер, Ж.Брайт, Б.Твiss каби олимларнинг тадқиқот ишларида ҳам учратишимиз мумкин[3].

Шу билан бирга инновацияга бир нечта иқтисодчи олимлар ўз фикр мулоҳазаларини билдиришган. Масалан, Б.Санто инновацияга қўйидагича таъриф берган: “Инновация - бу ижтимоий-техник-иктисодий жараён бўлиб, ғоя ва кашфиётлардан амалий фойдаланиш орқали ўз хусусиятига кўра яхшироқ бўлган маҳсулот ва технологиялар яратилишига олиб келади, агарда у иқтисодий фойда олишга йўналтирилган бўлса, унинг бозорда пайдо бўлиши қўшимча даромад олиш имконияти вужудга келади”[4].

Л.Водачек, О.Водачкова фикрига кўра, инновация бу, корхонанинг иш фаолиятидаги тизим сифатидаги мақсадли ўзгариш бўлиб, корхонанинг у ёки

бу фаолият соҳасида миқдорий ва сифат ўзгаришларида намоён бўлиши мумкин[5].

В.Н.Лапин эса инновация деганда инсонларнинг маълум эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида янги амалий воситаларни (инновациялар) яратишдаги жараёнлар мажмуасини тушунган[6].

И.Т.Балабанов фикрига кўра, инновация янги техника, технологияларга, ишлаб чиқаришни, меҳнатни, хизмат кўрсатиш ва бошқарувни ташкил этишнинг янги шаклларига, шу жумладан, назорат, ҳисоб, режалаштириш усуллари, таҳлил қилиш ва бошқа янги шаклларга капитал қўйилмаларни қўйиш ҳисобига олинган моддийлашган натижани ташкил этади[7].

Р.А.Фатхуддинов қўйидагича таърифлайди: “Инновация – бошқарув обьектини ўзгартириш ва иқтисодий, ижтимоий, экологик, илмий-техник ёки бошқа бир самарани олиш мақсадида жорий этилган янгиликнинг якуний натижаси”[8].

Бошқа бир қатор олимларнинг фикр мулоҳазаларини умумлаштирадиган бўлсак, одатда улар “инновация” ва “янгилик”, “янгилик киритиш” маъносини англашиб билдиришган[9].

Р.В.Абдуллаев ва К.А.Хасанжанов фикрларига кўра, “Инновация, илмий-техника таораққиётни кўринишининг шакли ҳисобланиб, билимларнинг маҳсус тури, юқори ривожланган меҳнат натижасини ташкил этиб, постиндустриал жамиятда инсонлар ҳаётидаги етакчи соҳага айланиб бормоқда”[10].

Айниқса, қишлоқ хўжалиги илм-фанда асосий устувор соҳалардан бири бўлиб, ер, сув ресурслари ва биологик хилма-хилликдан оқилона фойдаланиш ҳамда унинг ўрнини тўлдириш тизимини такомиллаштириш, самарали агротехнологиялар, генетик ресурслар ва илғор илмий ютуқлардан унумли фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорва молларининг сермаҳсул нав ҳамда зотларини яратишга қаратилган илмий ишланмаларга талаб юқорилиги ҳамда агросаноат мажмуасини замон талабларига мослаб тубдан қайта такомиллаштириш ва соҳага кўпроқ инновация олиб кириш зарурлигини кўриниб турибди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида алоҳида тўхталиб ўтди. Яъни, “...маълумки, ҳозирги кунда юртимизда 51 фоиздан зиёд аҳоли қишлоқ жойларда яшайди. Бироқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 17 фоиздан ошмайди. Агарар соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми эса 10 фоизга ҳам етмайди. Ҳолбуки, ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 50 фоиздан ортиқни ташкил этади. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш лозим.

Айниқса, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал этиш, генетик модификация қилинган маҳсулотлар етиштирмаслик бўйича қатъий назорат ўрнатишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Сўнгги йилларда

мамлакатимиз бозорларида импорт мева-сабзавот маҳсулотлари кўпайиб бораётгани бизни албатта хушёрликка чақириши керак. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун, аввало, йўқолиб бораётган қадимги навларни тиклаш, селекция ишларини оқилона ва самарали йўлга қўйиш, соҳага илм-фан ютуқлари, инновацион ишланмаларни кенг жорий этишимиз зарур.

Маълумки, мамлакатимиз тўқимачилик саноати 1 миллион 400 минг тоннагача пахта толасини қайта ишлаш имкониятига эга. Бу республикамиздаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар эҳтиёжини тўлиқ қоплай олади. Лекин пахта толасини қайта ишлаш саноатини бошқаришда кўпгина муаммолар мавжуд. Бу эса пахта хомашёсини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда рентабелликнинг пасайишига олиб келмоқда. Шу муносабат билан соҳадаги муаммоларни ҳал этиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни янада рағбатлантиришга оид алоҳида фармон қабул қилинди. Бугунги кунгacha ўзимизнинг тўқимачилик корхоналаримизга пахта хомашёсини фақат “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти орқали сотар эдик. Фармонга мувофиқ тўқимачилик корхоналари пахта хомашёсини энди тўғридан-тўғри тузилган шартнома асосида бевосита фермерлардан сотиб олиш имкониятига эга бўлди.

Навоий, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида пахта-тўқимачилик кластерларини яратиш доирасида пахта хомашёсини бозор талаблари асосида этишириш, нарх-навони шакллантириш ва сотишни ташкил этиш бўйича тажриба бошланди. Келгусида бундай ижобий тажрибани бутун мамлакатимиз миқёсида жорий қилишни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Чорвачилик соҳасига тўхталадиган бўлсак, қорамол ва парранда сонини кўпайтириш, бу борада сифат ва маҳсулдорликка эришиш учун етарли шароит яратишимиш зарур. Яқин истиқболда ҳар бир туманда ихтисослаштирилган бўрдоқчилик комплекслари, юқори технологик паррандачилик фабрикалари, шунингдек, иссиқхона хўжаликлари ташкил этилиши лозим.

Биз ҳозирги вақтда 1,5-2 миллиард доллар мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилмоқдамиз. Лекин ушбу соҳада йилига 10-15 миллиард доллар маҳсулот экспорт қилиш имконияти мавжуд. Маҳсулот тайёрлаш ва экспорт қилишда “Ўзагроэкспорт” акциядорлик жамияти, биржалар, агрофирмалар ва улгуржи компаниялар катта роль ўйнаши лозим. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини самарали реализация қилиш жуда муҳим масаладир. Шу мақсадда фермер хўжаликлирида этиширилган маҳсулотлар ҳажми ва миқдори ҳақидаги маълумотларнинг ягона базасини яратиш зарур” [11] лигига алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Ушбу соҳада олиб борилаётган ишлар борасида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин, яъни Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази томонидан 2017 йилнинг 9 ойи давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида берган хисботига асосан “жорий йилда вазирлик тизимидағи илмий муассасалар томонидан Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан

тасдиқланган Давлат илмий-техник дастурлари асосида жами 295 та лойиҳа, шу жумладан 21 та фундаментал, 156 та амалий, 17 та ёш олимларнинг фундаментал ва амалий, 93 та инновацион грант лойиҳалари ҳамда 8 та ноёб объектларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотлар қишлоқ хўжалигининг пахтачилик, дончилик, мева-узумчилик, сабзавот-полизчилик, чорвачилик, ветеринария ва бошқа соҳаларини янада ривожлантиришга, ер, сув, минерал ўғит ва бошқа моддий-техника ресурсларидан самарали фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш, тупроқ унумдорлигини саклаш ва ошириш, аграр соҳада ислоҳотларни чуқурлаштириш, фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш каби муҳим масалалар ечимиға қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 мартағи 1-сонли мажлиси баёни асосида 2017 йилнинг 10-12 май кунлари "Ўзэкспомарказ"да ўтказилган "Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар X Республика ярмаркаси"да тизимдаги муассасалар олимлари томонидан яратилган 95 ишланма намойиш этилди ва тизимдаги 15 та илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари билан фермер хўжаликлари ва бошқа буортмачилар ўртасида 250 дан ортиқ, жами 3,7 млрд. сўмлик ўзаро манфаатли шартномалар имзоланди.

Ҳисобот даврида тизимдаги муассасалар олимлари томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотларга оид 30 та халқаро, 600 дан ортиқ маҳаллий журналларда ҳамда 250 халқаро ва 580 та республика миқёсидаги анжуманларда илмий мақолалар чоп этилди. Шунингдек, 3 та халқаро, 135 маҳаллий монография, дарслик, ўкув ва услубий қўлланмалар нашр қилинди"[12].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"[13]ги 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сонли Фармонига асосан қишлоқ хўжалигига инновацияларни жорий этиш соҳасида:

- энг аввало, мавжуд ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини берувчи "Ақлли қишлоқ хўжалиги" концепциясига асосланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг замонавий синалган шаклларини жорий этиш бўйича таклифлар киритиш;

- аграр секторда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини максимал даражада автоматлаштириш, ҳосилдорликни жиддий ошириш ва молиявий кўрсаткичларни яхшилаш, шунингдек, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини берувчи инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этишга кўмаклашиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини, шу жумладан йирик ритейлерлар ёрдамида таъминлаш орқали савдо бозорларини ва уларни тўғридан-тўғри етказиб беришни кенгайтиришга кўмаклашиш каби масалалар белгилаб берилган.

Бошқача қилиб айтганда, биз Ўзбекистонни ишлаб чиқаришда инновация ва интеллектуал ҳиссанинг юқори улуши бўлган барқарор бозор

иқтисодиётига, замонавий ва глобал бозорда рақобатбардош саноатга, шунингдек, қулай инвестициявий ва ишчанлик мұхитига эга жадал ривожланаётган мамлакатга айлантишимиз лозим.

Кўйилган мақсадларга Ўзбекистонни ривожланишнинг инновацион моделига тўлиқ ўтказмасдан туриб эришиш мүмкін эмас, бу мамлакатда инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳамда давлат бошқаруви, иқтисодиёт устувор тармоқлари ва ижтимоий соҳага инновацион гоялар, ишланмалар ва технологияларни амалда жорий қилишни рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратиш заруратини тақозо этади. Инновацион жараёнларни давлат томонидан тартибга солиши қишлоқ хўжалигида инновацияларни жорий этиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган.

Агросаноат мажмуининг инновацион ривожланиши иқтисодий ривожланишнинг шундай тури кўзда тутиладики, бунда инновацион фаолиятнинг якуний натижаси сифатида инновациялар асосий омилга айланади. Инновацион фаолият бозорга янги товар ёки хизматни олиб чиқиш, янги ишлаб чиқариш жараёни (технологияси) ёки тадбиркорлик моделини ўзлаштириш, янги бозор сегментлари яратиш сифатида талқин қилинади [14].

Шунингдек, агросаноат мажмуи ташкилотининг янгиликлар киритиши жорий қилиш ва татбиқ этишда инновацияларга мойиллиги деганда унинг очиқ ресурслар ва технологиялардан оқилона фойдаланиш; инновациялар яратиш ва уларни тижоратлаштириш циклини қисқартиришни таъминлайдиган самарали ижтимоий-иқтисодий механизmlар ва мослашувчан ташкилий структураларни ўз вақтида яратиш; персоналнинг ижодий ташабbusлари, юқори малакали мутахассислар тажрибаси ва салоҳиятидан фойдаланиш ва ривожланиш; янгиликлар киритишига мойилликни таъминлаш негизида рақобатбардошлик стратегиясини шакллантириш қобилияти тушунилади [15].

Агросаноат мажмуасидаги инновацион жараён агросаноат ишлаб чиқаришининг ўзига хос жиҳатлари ва биринчи навбатда унинг асосий компоненти-қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган ўзига хос ҳусусиятга эга.

Агросаноат мажмуасидаги инновацион жараённинг ўзига хос ҳусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- агросаноат ишлаб чиқаришида фойдаланиш учун тавсия этилаётган илмий-техник тараққиётнинг хилма-хиллиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва унинг қайта ишлаш маҳсулотлари турларининг кўплиги билан белгиланадиган турли хил мақсадли йўналишлар, уларни ишлаб чиқариш технологиясидаги сезиларли фарқ қиласи;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини табиий ва иқлим шароитига юқори боғлиқлиги туфайли инновацияларни жорий этиш натижасида олинган натижаларнинг эҳтимолий характери;

- технологик жараёнларни табиий мұхитда юзага келадиган жараёнлар билан тұлдириш, шунингдек, инновация обьектлари бўлиши мумкин бўлган тирик организмларни ишлаб чиқаришда иштирок этиши;
- инновацион ишларни амалга оширишда ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун қўшимча харажатларга йўл қўядиган инновацион бошқарув соҳасида қишлоқ хўжалиги ишчиларининг малакаси етарли эмаслиги;
- ташкилотларнинг молиявий қийинчиликлари сабабли илмий-техникавий ва илмий-интенсив маҳсулотларга бўлган талабнинг йўқлиги, бюджет маблағларининг этишмаслиги, кредит олишнинг қийинлиги туфайли қишлоқ хўжалигига инновацион фаолиятнинг етарли эмаслиги;
- агросаноат комплексида инновацион сиёsatнинг заифлиги минтақавий даражада инновацион жараёнларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари орасида тарқалишига қадар барча босқичларда инновацион жараёнларни фаоллаштиришга қодир эмас;
- илфор илмий ютуқлар тўғрисида ахборот олишнинг мураккаблигини белгиловчи илмий-техник маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ташкилотлардан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини ажратиб қўйилганлиги;
- қишлоқ хўжалиги корхоналарига илмий-техник тараққиётнинг ютуқларини етказиб беришнинг ташкилий-иктисодий механизмини этишмаслиги, бу эса саноатни инновацияларни ривожлантиришда орқада қолишига олиб келади;
- зарурий ҳажмда ишлаб чиқаришда илмий-техникавий ишланмаларни амалга оширишга қодир бўлмаган агросаноат комплексида инновация ва инвестиция инфратузилмасининг заиф ривожланиши;
- инновацияларни амалга ошириш учун молиявий ресурсларнинг этишмаслиги ва амалдаги инновацион тузилмаларнинг ушбу фермер хўжаликлари билан ўзаро муносабатида манфаатдорлиги туфайли, қишлоқ хўжалигига маҳсулотнинг катта қисмини, айниқса, чорвачиликда ишлаб чиқаришга қарамасдан, аҳолининг шахсий ёрдамчи майдонларининг асосий қисмини қишлоқ хўжалигидаги инновацион жараёндан ажратиб олиш.

Қишлоқ хўжалиги тармоғига инновацияларни қўллаш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда фойдаланиладиган ижтимоий хизматларнинг янги ёндашувлари, иктисодиётнинг турли соҳаларини янгича шаклда ташкил этиш ва бошқариш, чорва моллари ва паррандаларини даволаш ва профлактиканинг янги усуллари, ўсимлик ва ҳайвонларни ҳимоялаш воситалари, дехқончилик, чорвачилик ва қайта ишлаш саноатида янги технологиялар, моддий, янги ёки сифатли озиқ – овқат маҳсулотлари, чорва моллари ва паррандалар турлари ва насллари, ўсимликларнинг янги турларини ишлаб чиқиш ва тадқиқот олиб боришдаги хўжалик амалиётини ифодалайди.

Агросаноат мажмуасида инновацияларнинг асосий турлари ва ўйналишларини ташкил қилиш амалга оширилади, бу уларнинг хилмачиллиги, шакли, қўлланилиши усуллари билан боғлиқ. Шу боис, инновацион

жараёнларни бошқариш инновацияларни турли сабабларга кўра таснифлашни ўз ичига олади ва инновацияларнинг энг муҳим хусусиятларини тавсифловчи муҳим жиҳатларга мувофиқ амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигидағи илмий адабиётлар манбаларига кўра тўрт хил инновациялар танланади: селекцион-генетик; техник ва технологик ишлаб чиқариш; ташкилий ва бошқарув; ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга. Бу аграр секторда инновацион жараёнларни муваффақиятли бошқариш учун муҳим саналади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш учун саноатнинг инновацион ривожланиш йўлларига ўтказиш керак. Лекин, замонавий шароитда хўжалик юритувчи субъектларнинг инновацион фаолияти жуда паст. Шунинг учун ҳам, қишлоқ хўжалигига инновацияларни бошқаришнинг самарали механизмини яратиш учун Ўзбекистоннинг ҳар бир минтақасида минтақавий ихтисослаштирилган агротехник марказларни яратилса мақсадга мувофиқ бўлар эди деб ўйлаймиз.

Ушбу минтақавий ихтисослаштирилган агросаноат марказининг асосий функциялари:

агросаноат комплексида худудий инновация сиёсатини шакллантиришнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш усусларини такомиллаштириш;

- минтақанинг қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш;

- қишлоқ хўжалик корхоналарининг инновацион фаолиятини мувофиқлаштириш;

- аграр инновациялар бозорини мониторинг қилиш;

- инновацион фаолият соҳасидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ахборот-коммуникация таъминоти;

- агросаноат ишлаб чиқаришида инновациялардан фойдаланишнинг мумкинлигини танлаш ва дастлабки баҳолаш;

- инновацияларни ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва уларни жорий этишда консалтинг хизматларини кўрсатиш;

- агросаноат комплекси соҳасида минтақанинг ривожланиш дастурига киритилиши мумкин бўлган устувор инновацион ва инвестиция лойиҳалари базасини шакллантириш;

- инновацион лойиҳаларни амалга оширишда маҳсус солиқ тартиби, имтиёзли божхона тарифлари ва бошқа имтиёзларни олишда ёрдам бериш;

- аграр инновацияларни ва давлат имтиёзларини олган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат қилиш.

Шунингдек, Агросаноат мажмуасида инновацион жараёнларни фаоллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири кичик қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш корхоналарини (шу жумладан, дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларини) йирик ишлаб чиқариш тузилмаларига ҳамкорлик асосида бирлаштириш ҳисобланади. Бундай уюшқоқликнинг ташкилий шакли инновацион ривожланишнинг техник ва технологик, ташкилий, бошқарув ва

иқтисодий, ижтимоий-экологик йўналишларини амалга ошириш имконини берадиган ишлаб чиқаришнинг янги бир шакли бўлиши мумкин.

Чунки, кичик товар ишлаб чиқарувчиларнинг биргаликдаги иқтисодий фаолиятини ташкил этиш молиявий ва моддий ресурсларни бирлаштириб, харажатларни камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва илмий-техника тараққиётида эришилган ютуқларни жорий этиш учун кенг миқёсли ишлаб чиқаришдан фойдаланишга имкон беради.

Бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мунтазам ишлаб чиқарувчилар билан биргаликда кичик томорқа ерлари ва чорва молларига эга бўлган дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ишлаб чиқаришнинг янги бир шаклини (бирлашма, уюшма ёки кооператив) ташкил этиш йўли билан дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида инновацияларни жорий этиш механизмини яратиши муҳим аҳамият касб этади.

Чунки, ҳозирги кунда республикамиз бўйича чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари муҳим ўрин эгаллайди. Буни биз биргина Тошкент минтақаси мисолида кўриб чиқадиган бўлсак қуидагига эга бўламиз. Яъни, Тошкент вилояти дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида ўртacha 88,9 % гўшт (тирик вазнда), 92,3 % сут, 36,2 % тухум ва 68,3 % жун ишлаб чиқарилган бўлса, Сирдарё вилоятида ўртacha 96,9 % гўшт (тирик вазнда), 93,3 % сут, 65,4 % тухум ва 81,6 % жун ишлаб чиқарилган ва Жizzah вилоятида эса ўртacha 98,7 % гўшт (тирик вазнда), 93,3 % сут, 74,1 % тухум ва 68,3 % жун ишлаб чиқарилган. Буни маҳсулот турлари бўйича қараб чиқадиган бўлсак қуидаги кўринишга эга бўлади. Яъни, Тошкент минтақасидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарида ўртacha 2,7 % гўшт (тирик вазнда), 1,9 % сут, 34,1 % тухум ва 4,5 % жун, фермер хўжаликларида ўртacha 2,5 % гўшт (тирик вазнда), 3,9 % сут, 7,3 % тухум ва 16,4 % жун ишлаб чиқарилган бўлса, дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида эса ўртacha 94,8 % гўшт (тирик вазнда), 94,3 % сут, 58,6 % тухум ва 79,0 % жун ишлаб чиқарилган. Умуман олганда, 2016 йилда Тошкент минтақасида ишлаб чиқарилаётган чорвачилик маҳсулотларининг 10.8 % қишлоқ хўжалиги корхоналарига, 7.5 % фермер хўжаликларига ва 81,7 % дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлардан олинган (1-жадвал).

Бироқ, уларнинг ишлаб чиқариши паст рентабелликдаги чорва ва эскирган ускуналар ёрдамида қўл меҳнатидан фойдаланиш асосида амалга оширилган. Шунинг учун ҳам чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни янада ривожлантириш ва халқимизнинг чорва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларни рағбатлантириш усулларини яратиш керак деб ўйлаймиз.

Чунки, биз биламизки чорва ем-хашаксиз маҳсулот бермайди. Ем-хашак эса бугунги кунда дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлардаги асосий муаммолардан бири хисобланади. Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларда чорва моллари бош сонини кўпайтириш учун уларга етарлича экин майдонлари ва яйловлар ажратиш ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини оширишга турли хил емларни (кунжара, шулха, кепак ва бошқа) сотиб

олишда имкониятлар бериш керак. Масалан, дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари чорва моллари учун ем-хашакларни сотиб олишда ем-хашак ишлаб чиқарувчилар билан воситачилар (фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари ёки бошқа давлат корхоналари) орқали эмас балки тўғридан-тўғри сотиб олиш имконияти берилсин.

### 1-жадвал

#### 2016 йилда Тошкент минтақасида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги иқтисодий бирликларининг солиштирма улуши,%

Маҳсулот тури	Асосий улуш		
	Қишлоқ хўжалиги корхоналари	Фермер хўжаликлари	Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
<b>Тошкент вилояти</b>			
Сут	2,9	4,8	92,3
Гўшт (тирик вазнда)	6,8	4,3	88,9
Жун	2,7	29,0	68,3
Тухум	58,8	5,0	36,2
<b>Сирдарё вилояти</b>			
Сут	2,4	4,3	93,3
Гўшт (тирик вазнда)	0,6	2,6	96,9
Жун	3,6	14,8	81,6
Тухум	24,9	9,7	65,4
<b>Жizzах вилояти</b>			
Сут	0,3	2,5	97,2
Гўшт (тирик вазнда)	0,7	0,6	98,7
Жун	7,3	5,5	87,2
Тухум	18,7	7,2	74,1

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси маълумотларига асосан ҳисобланган.

Ана шунда бугунги кундаги бозорларимиздаги чорва маҳсулотларининг, жумладан гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотларининг нархи истеъмолчиларнинг имкониятларига мувофиқ бўлар эди. Шунингдек, чорвачилиқда бугунги қунда энг қадрсиз маҳсулот ҳисобланадиган жунни қайта ишлашни йўлга қўйиш зарур деб ўйлаймиз.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи 23 декабрь 2017 й. № 258 (6952).
2. Шумпетер Й. Теория экономического развития / Пер. с нем. В.С.Автономова, М.С.Любского, А.Ю.Чепуренко.–М.: Прогресс, 1982. – 72 с.

3. Портер М. Международная конкуренция: Пер. с англ./ Подред В.Д.Щетинина. – М.Международные отношения, 1993. – 64 с; Bright I.R. Some Management Lessons from Technological Innovation Research, National Conference on Management of Technological Innovation, University of Bradford Management Centre, 1968.; Твисс Б. Управление научно-техническими нововведениями: сокр. пер. сангл./ Авт. предисл. инуч. ред. К.Ф.Пузыня. – М.: Экономика, 1989. – 31 с.; Latechnologieetl'economie: Lesrelationdeterminantes.P.: OECD, 1992.
4. Санто Б. Инновация как средство экономического развития: Пер. с венг./ Общ. ред. и вступ.ст. Б.В.Сазонова. – М.: Прогресс, 1990. – 296 с.
5. Водачек Л., Водачкова О. Стратегия управления инновациями на предприятии: Сокр. пер. со словац. / Авт.предисл. В.С. Рапопорт. – М.: Экономика, 1989. – 167с.
6. Лапин В.Н. Социальные аспекты управления нововведениями // В сб.: Проблемы управленческих нововведений и хозрасчёта экспериментирования. Всероссийская научно-практическая конференция. – Таллин, 1981. – 23 с.
7. Балабанов И.Т. Инновационный менеджмент: Учеб. пособие для вузов. – СПб: Питер, 2001. – 304с.
8. Фатхудинов Р.А. Инновационный менеджмент.: Учеб.для вузов. – М.: ЗАО «Бизнес-школа «Интел-синтез»», 1998.- 17с.
9. Соколов Д.Д., Титов А.Б., Швабанова М.М. Предпосылки анализа и Формирование инновационной политики. – СПб.: ГУЭФ, 1997; Хучек М. Инновация на предприятии и их внедрение.- М.: Луч, 1992г; Бернар И, Колли Ж.-К. Толковый экономический и финансовый словарь. В 2т. Пер. сфр. –М.: Международные отношения,; Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. – 2-е изд., исправ. – М.: ИНФРА – М, 1998 – 136с.
10. Абдуллаев Р.В., Хасанджанов К.А. Инновационное обновление экономики – основа её модернизации и конкурентоспособности // Иқтисодиётни модернизациялаш стратегияси: муаммолар ва инновацион ривожланишга ўтиш йўллари. Республика илмий-амалий анжумани маъзуза тезислари тўплами. Тошкент, 2011. –Б. 24.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сон фармони. Халқ сўзи 10 октябрь 2017 й.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сонли Фармони. Халқ сўзи 30 ноябрь 2017 й
13. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 4-сон. 179-бет.

14. Дыжова А. “Основы управления интеллектуальной собственностью”. Могилев- 2007. -117с.
- 15.Б.И.Комилжонов “Инноваций менжмент услубларини тақомиллаштириш” Ўқув қўлланма. 2007 й.
- 16.Стратегия социально-экономического развития агропромышленного комплекса Российской Федерации на период до 2020г. (научные основы). Российская академия сельскохозяйственных наук. М., 2011. URL: <http://www.vniiesh.ru>
17. У.М.Умурзоқов, А.Ж.Тошбоев, “Фермер хўжаликлари иқтисодиёти”. Т.: Тошкент. 2009 йил.
- 19.К.А.Чарiev “Хорижий давлатлар қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни рағбатлантириш механизmlари ва улардан фойдаланишга доир услугубий тавсиялар” УзБИИТИ Тошкент-2014 й - 34 б.
20. Ўзбекистон республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги расмий сайти: <http://agro.Uz/uz/information/about agriculture / 436 / 8654 />.
21. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси расмий сайти: <https://stat.uz/uz/>
22. <http://uza.uz/oz/business/innovatsiya-va-ishlab-chi-arish-30-06->.
23. 2015?ELEMENT\_CODE=innovatsiya-va-ishlab-chi-arish-30-06.
24. 2015&SECTION\_CODE=business&print=Y